

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАНОВА АЗИЗАХОН АВАЗХОНОВНА

**ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК:
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК МУАММОЛАР**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Алланова Азизахон Авазхоновна

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолар.....3

Алланова Азизахон Авазхоновна

Ответственность за незаконный выезд за границу или незаконный въезд в Республику Узбекистан: уголовно-правовые и криминологические проблемы.....25

Allanova Azizakhon Avazovna

Responsibility for illegal travel abroad or illegal entry into the Republic of Uzbekistan: criminal-legal and criminological problems.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАНОВА АЗИЗАХОН АВАЗХОНОВНА

**ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК:
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК МУАММОЛАР**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Yu287 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салаев Нодирбек Сапарбаевич
юридик фанлар доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Рустам Кабулов
юридик фанлар доктори, профессор

Маҳкамов Отабек Мухторович
юридик фанлар доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» декабрь куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-3748; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (940-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «1» декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил «1» декабрдаги «7» рақамли реестр баённомаси).

У.А.Тухташева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

Д.Г.Камалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.Ё.Абдуқодиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори (DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда интеграциялашув жараёнлари, макроиктисодий вазиятнинг ёмонлашуви, геосиёсий вазиятнинг ўзгариши ва бошқа омиллар аҳоли миграциясининг тезлашувига сабаб бўлмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида, айниқса Яқин Шарқдаги геосиёсий вазиятнинг ёмонлашгани туфайли кўп мамлакатларга ғайриқонуний миграция жадаллашиб бормоқда. БМТнинг маълумотларига кўра, ҳозирда 218 мамлакат доимий миграция жараёнларида иштирок этмоқда. XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида муҳожирларнинг энг кўп ўсиши Осиё (йилига 1,7 миллион), ундан кейин Европа (йилига 1,3 миллион) ва Шимолий Америка (йилига 1,1 миллион) минтақасига тўғри келмоқда. Халқаро миграция ташкилотининг таъкидлашича, 2030 йилга келиб миграция оқимлари 300 миллиондан кўпайиши ғайриқонуний миграциянинг ошишига таъсир кўрсатади¹.

Жаҳонда миграция жараёнларининг кучайиши ва давлат чегараларини ғайриқонуний кесиб ўтишнинг боғлиқлиги қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки давлат ҳудудига кириш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш, унинг учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш, мазкур жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан, ғайриқонуний миграция жараёнларини жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки кириш жиноятларини тўғри квалификация қилиш ва жинойий қилмишга нисбатан адолатли жазо тайинлаш, мазкур жиноятларнинг содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда олдини олишнинг янги йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда чегарадан ўтишнинг белгиланган тартиби чет давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик олиб бориш, чегара, божхона, санитар-карантин, ветеринар ва бошқа назорат турларини амалга ошириш, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, чегара келишмовчиликларини тинч йўл билан ҳал қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан муҳофаза қилиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, алоҳида жинойий қилмишларни декриминаллаштириш, жинойий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш»² қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

¹ www.un.org/ru/sections/issues-depth/migration/index.html

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (1994 й.), Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 й.) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017 й.) Фармони, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 й.), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018 й.) қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари, уларнинг олдини олиш масалалари доимо мутахассис ва олимларнинг диққат марказида бўлган. Мазкур қилмишнинг юридик таҳлили ва уларнинг олдини олиш масалалари Қ.Р.Абдурасулова, Б.Ж.Ахраров, Р.А.Зуфаров, А.С.Якубов, Р.Кабулов, М.Ҳ.Рустамбаев, Ф.Тахиров, А.К.Расулов, М.М.Кадировнинг илмий ишларида ўрганилган.

Мазкур масаланинг айрим жиҳатларига И.А.Волкова, Л.И.Волова, О.Ю.Герасимова, Н.К.Зверев, В.И.Земцов, Р.И.Идаятов, Д.А.Кравцов, А.В.Миронова, М.Ф.Назарова, В.В.Полухин, М.Н.Урда, Т.Н.Уторова, В.Ю.Федяков, Г.Г.Шинкарецкая, И.В.Щеблыкина, А.С.Щербаков каби Россиялик олимларнинг ишларида эътибор берилган.

Узоқ хорижий давлатлар олимларидан С.Ал-Хатиб, А.Балдассини, С.Биагио, Б.Гонсалес, М.Гуиа, Д.Коллингвуд, Д.Кристиан, Д.Куи, Ф.Франсесколарнинг илмий ишлари ўрганилаётган жиноятнинг хусусиятлари, сабаблари, профилактикасига бағишланган³.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг илмий ишларида қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари комплекс тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасидаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари»,

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

«Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунини либераллаштириш шароитида жазо тизимини ислоҳ қилиш муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жинояти таркибини комплекс таҳлил қилиш, мазкур жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари мазмун-моҳиятини тушунишга нисбатан тўғри илмий ёндашувни ишлаб чиқиш, унга доир жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўлланиши бўйича норматив-ҳуқуқий база, тергов ва суд амалиётини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг ўзига хос хусусиятлари ва бу борадаги илмий ёндашувларни таҳлил қилиш;

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини очиқ бериш;

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихини ўрганиш;

айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларидаги қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки давлатга кириш учун жавобгарлик масалаларини қиёсий таҳлил қилиш;

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг объектив ва субъектив белгиларини ўрганиш;

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиларини ёритиш;

мазкур жиноятни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқли жиҳатларини кўриб чиқиш;

қонунга хилоф равишда чет элга чиққан ёки Ўзбекистон Республикасига кирган жиноятчи шахсига криминологик тавсиф бериш;

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиётига доир ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг

умумий ва ўзига хос усуллари кенг қўлланилди. Жумладан, илмий билишнинг тарихий, тизимли, мантикий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш, қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарликни декриминализация қилиш зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилган чет эл фуқаросини Ўзбекистон Республикасига кириши бир йилдан уч йилгача чекланиши зарурлиги асосланган;

эҳтиётсизлик оқибатида, ноиложликдан ёки ўз эркига боғлиқ бўлмаган тарзда Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузганлик жиноят таркибини ташкил этмаслиги асосланган;

фақатгина хорижий мамлакатларга чиқиши махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларгина Жиноят кодекси 223-моддаси 2-қисми «г» бандида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиши лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш» тушунчаси таърифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасини янги тахрирда «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш» деб баён қилиш зарурати асосланган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКга «Ғайриқонуний миграцияни ташкил этиш» деб номланган 223¹-моддани киритиш зарурати асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига «224³-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш» учун жавобгарлик белгиланган моддани киритиш зарурати асосланган;

«Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатларнинг қонунни қўллаш тажрибаси ўрганилган, социологик тадқиқотлар, анкета сўрови (80 нафар суд-тергов амалиёти ходимларидан) ўтказилган, статистик маълумотлар ва 165 та жиноят ишлари бўйича суд ҳукмлари таҳлил қилиниб натижалари умумлаштирилди, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилди ҳамда олинган хулоса, таклиф ва

тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилди, ваколатли органлар томонидан тасдиқланди ва амалиётга жорий қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган хулосалардан келажакда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот иши қонунга ҳилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қонунга ҳилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қонунга ҳилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларига доир масалаларни тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 224-моддасини қонундан чиқариш бўйича таклифдан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш жиноятини декриминализация қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 15 июндаги 5/4-15-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлигини либераллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилган чет эл фуқаросини Ўзбекистон Республикасига кириши бир йилдан уч йилгача чекланиши зарурлиги ҳақидаги таклифдан Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон Қарори билан тасдиқланган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг янги таҳририни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 14 июлдаги 12/20-9-сон маълумотномаси). Ушбу қоидаларнинг янги таҳрири Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сонли қарори билан тасдиқланган. Мазкур таклиф чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларига қатъий риоя қилишига хизмат қилган;

эҳтиётсизлик оқибатида, ноиложликдан ёки ўз эркига боғлиқ бўлмаган

тарзда Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузганлик жиноят таркибини ташкил этмаслиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 29 июлдаги 13-сонли қарорини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 2 ва 10-бандларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 5 июндаги №ПЛ 25-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф юқоридаги вазиятда шахснинг Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини кесиб ўтиши жиноят эмаслиги ва жавобгарликка тортилмаслигига хизмат қилган;

фақатгина хорижий мамлакатларга чиқиши махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларгина Жиноят кодекси 223-моддаси 2-қисми «г» бандида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиши лозимлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 2 ва 10-бандларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 5 июндаги №ПЛ 25-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф суд амалиётини яхшилашга ва ЖК 223-моддаси 2-қисми «г» бандида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга жазо тайинлаш, қонунда унинг махсус субъект сифатида белгиланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 16 та илмий мақола (улардан 2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қонунга хилоф равишда чет элга**

чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарликнинг умумий тавсифи» деб номланиб, унда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш тушунчаси ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихи, айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки давлатга кириш учун жавобгарлик масалалари ўрганилган.

Муаллиф давлат чегарасини белгилашнинг моҳияти ва зарурати, Ўзбекистон Республикасига кириш ва ундан чиқишнинг амалдаги тартиби, бу борадаги мавжуд чекловларнинг мазмунини очиб берган, тегишли қонун ҳужжатлари нормалари ва олимларнинг мавзуга оид фикр ва мулоҳазаларини ўрганган. Тадқиқ қилинаётган масалада суд амалиёти ўрганилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг таҳлили асосида уларда мавжуд бўлган бўшлиқ ва камчиликларни, амалиётда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида аниқ таклифлар илгари сурилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш деганда, давлат чегарасидан ўтказиш пунктларидан бошқа жойда ёки мазкур пунктлар орқали, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда виза расмийлаштирмасдан ёхуд яроқсиз ёки сохта (қалбаки) ҳужжатлардан фойдаланиб, ҳар қандай усулда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган махсус келишувсиз Ўзбекистон Республикасидан чиқиши тушунилади», деб тушунтириш бериш таклиф этилган.

Мазкур бобда *«Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихи»* таҳлил қилиниб, унда таҳлил қилинаётган қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонун нормаларининг ривожланиш тарихи ўрганилган. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикасида жиноят қонунчилиги кодификациясига ва таҳлил этилаётган жиноят учун қатъий санкция белгиланган даврга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик 1922 йилги РСФСР ЖК (Ўзбекистонга ҳам жорий этилган), 1926 ва 1959 йилги ЖКларда белгиланган. 1926 йилги ЖКда таҳлил этилаётган қилмиш учун жавобгарлик 1922 йилги ЖКда белгиланган қоидалардан: *биринчидан*, мазкур ЖКда қилмиш иккита жиноят таркибига ажратилганлиги; *иккинчидан*, жиноятга нисбатан тайинланадиган жазолар оғирлаштирилганлиги билан фарқ қилган.

1922 йилги ЖКда озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган ва тайинланиши мумкин бўлган жарима жазосининг миқдори оширилган (300-500 рубль).

Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси ва Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги ЖК 73-моддаси нормаларининг қуйидаги фарқлари аниқланган:

1) Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси Ўзбекистон ССР ЖК 73-моддасига нисбатан анча соддалаштирилган;

2) Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасида Ўзбекистон ССР ЖК 73-моддасида назарда тутилмаган «чегарани ёриб ўтиш йўли билан», «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» ва «чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса» каби жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар белгиланган;

3) Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасида жиноятни такроран содир қилганлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган;

4) Ўзбекистон ССР ЖК 73-моддасида фақат озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасида эса, озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазолар ҳам белгиланган;

5) Ўзбекистон ССР ЖК 73-моддасида назарда тутилган энг оғир жазо беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш бўлса, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги инobatга олиниб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган.

Муаллиф қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг бир аср мобайнидаги ривожланиш даврини беш босқичга ажратган:

1) 1922-1926 йиллар: РСФСРнинг 1922 йилги ЖК (Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХССРларда амал қилган)нинг 98-моддаси – 1926 йил 1 июлгача амалда бўлган;

2) 1926-1960 йиллар: 1926 йилги Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖК 110-моддаси – 1960 йил 1 январгача амалда бўлган;

3) 1960-1984 йиллар: Ўзбекистон ССР ЖК– «Қонунсиз чет элга чиқиб кетиш ва қонунсиз СССРга кириш» учун жавобгарлик белгиланган 73-моддаси 1984 йил 1 мартгача амалда бўлган;

4) 1984-1995 йиллар: Ўзбекистон ССР ЖК– «Қонунсиз чет элга чиқиб кетиш ва қонунсиз СССРга кириш» учун жавобгарлик белгиланган 73-моддаси 1984 йил 1 мартдан 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган (жиноятни такроран содир этганлик учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи қисм билан тўлдирилган);

5) 1995 йилдан ҳозиргача: Ўзбекистон Республикаси ЖК – «Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш» учун жавобгарлик белгиланган 223-моддаси ҳозиргача амалдадир.

Шунингдек, мазкур бобда *«Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки давлатга кириш*

учун жавобгарлик масалалари» ҳам таҳлил қилинган бўлиб, унда МДХга аъзо ва айрим ривожланган хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилигини ўрганиш учун улар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратилган: 1) МДХга аъзо давлатлар; 2) Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлар; 3) Европа Иттифоқига аъзо давлатлар; 4) англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар.

МДХга аъзо давлатларнинг деярли барчасида ноқонуний миграция ташкил қилиш учун жавобгарлик белгиланганлигини, бундай ҳаракатларнинг мамлакатимизда ҳам мавжудлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКга «Ғайриқонуний миграцияни ташкил этиш», деб номланган 223¹-моддани киритиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

Кўплаб хорижий давлатлар: Россия Федерацияси (322-модда), Озарбайжон (318.1-модда), Арманистон (329-модда), Беларусь Республикаси (371-модда), Грузия (344-модда), Молдова (362-модда), Тожикистон (335-модда), Туркманистон (214-модда), Қирғизистон (346-модда), Эстония (812-модда), Украина (332-модда), ХХР (318-модда) жиноят қонунларида «Давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш» учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу давлатлар тажрибасини инобатга олиб, Ўзбекистон ЖК 223-моддасини «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш» деб номлаш таклиф этилган.

Аксарият хорижий мамлакатлар (жумладан, Беларусь Республикаси) ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ушбу жиноят учун жавобгарлик белгилашда маъмурий преюдиция механизмини қўллаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган. Шу мақсадда, ЖК 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қилмишни маъмурий юрисдикция доирасига ўтказиш ва бир йил ичида қайта содир этилганида жинойий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш таклиф этилган.

Юқоридагиларга мувофиқ:

1) ЖК 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят учун маъмурий преюдиция механизмини киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни қуйидаги мазмундаги 224³-модда билан тўлдириш таклиф қилинган:

«224³-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш, яъни давлат чегарасидан ўтказиш пунктларидан бошқа жойда ёки мазкур пунктлар орқали, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда виза расмийлаштирмасдан ёхуд яроқсиз ёки сохта (қалбаки) ҳужжатлардан фойдаланиб, ҳар қандай усулда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқиш».

Диссертациянинг «Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг юридик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон

Республикасига киришнинг объектив белгилари, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг субъектив белгилари, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилари ўрганилган.

Ишда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг объекти бўйича қуйидаги хулосалар чиқарилган: умумий объект – ЖКнинг 2-моддасида қайд этилган шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, махсус объект – Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги ва давлат чегарасини қўриқлаш хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар; турдош объект – бошқарув тартиби ва бошқарув фаолиятинининг қонуний амалга оширилишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар; бевосита объект – Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар (бевосита асосий объект), шу орқали шахс хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар (бевосита қўшимча объект) эканлиги асосланган.

Диссертант жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти ҳисобланиши тўғрисидаги қоидадан келиб чиқиб, чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига киришнинг қонунда белгиланган тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ўрганилаётган тадқиқотнинг объекти деган хулосага келган.

Тадқиқотчи жиноят-ҳуқуқий адабиётларда давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтишнинг объекти хусусида билдирилган фикрлар орасида давлат чегарасининг дахлсизлиги мазкур жиноятнинг объекти бўлиши мумкин, деган нуқтаи назар етакчилик қилишини аниқлаган. Демак, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтишнинг белгиланган тартиби қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг махсус объекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуннинг 10, 11, 12-моддаларида давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши, давлат чегараси орқали товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш, давлат чегараси орқали ўтказиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Мазкур тартибга тажовуз қилиш давлат хавфсизлигига, мамлакат суверенитетига зиён етказиши мумкин ва шу туфайли ҳам жиноят сифатида эътироф этилади.

Диссертант юқорида қайд этилганлардан қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг бевосита объекти Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар (бевосита асосий объект), шу орқали шахс хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар (бевосита қўшимча объект) ҳисобланади, деган хулосага келган.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг объектив томонини таҳлил қилган

муаллиф қуйидаги хулосаларга келган:

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг объектив томони белгиланган қоидаларни бузиб, қонунга хилоф равишда чегарадан ўтиш, яъни ўтказиш пунктларидан бошқа жойда ёки мазкур пунктлар орқали, бироқ ҳақиқий ҳужжатлар (паспорт, виза)сиз ҳар қандай усулда (пиёда, транспорт воситаларида) Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқишда, шунингдек қонунга хилоф равишда чегарани кесиб ўтишда ифодаланади;

қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш таркибининг объектив томони белгиларини тавсифлаш учун жиноят объектив томонининг факультатив белгиси – жиноят содир этилган жой биринчи даражали аҳамият касб этади. Давлат чегараси қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш содир этилган жой ҳисобланади.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида «қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш деганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг белгиланган ўтказиш пунктлари орқали (Қонуннинг 12-моддаси), бироқ белгиланган ҳужжатларсиз ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган тегишли рухсатномасиз кесиб ўтилиши, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтиш деганда, жумладан, ҳақиқий ҳужжатлар ва кириш-чиқишга рухсатнома бор-йўқлигидан қатъи назар, унинг белгиланган ўтказиш пунктларидан ташқари жойдан кесиб ўтилиши тушунилиши лозим»лиги белгиланган.

Тадқиқ этилаётган жиноятнинг объектив томони «чегарадан ўтиш» атамаси орқали ифодаланганлигига эътибор қаратилиб, қонунга хилоф равишда чегарадан ўтиш деганда, давлат чегарасини давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан бошқа жойдан ёки ўтказиш пунктлари орқали бўлса-да, лекин чегарани кесиб ўтиш қоидаларини бузган ҳолда ҳар қандай усул билан кесиб ўтиш тушунилиши қайд этилган

Қилмишни ЖК 223-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиниши учун қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган шартларидан биттаси мавжудлигининг ўзи кифоя қилади. Юқоридаги зарурий шартлардан бирининг йўқлиги ЖК 223-моддаси бўйича жинойий жавобгарликни истисно қилади ва маъмурий жазо чоралари қўлланишига сабаб бўлади.

Тадқиқотчи қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон

Республикасига киришни квалификация қилиш у тугалланган вақтни тўғри аниқлашни талаб этишига аҳамият бериб, давлат чегарасидан амалда ўтилган пайтдан эътиборан тугалланган, деб ҳисобланиши тўғрисидаги мулоҳазаларга қўшилиб, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш шахс давлат чегарасини Ўзбекистон Республикасига кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатларсиз ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда олинган тегишли рухсатномасиз ёки улар мавжуд бўлганда, давлат чегараси орқали ўтказиш пунктидан бошқа жойда кесиб ўтган вақтда тугалланади, деган хулосага келган.

Муаллиф, жиноятни квалификация қилишдаги муаммолар, тергов ва суд органларининг хатолари аксарият ҳолларда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг субъектив томонини нотўғри баҳолаш билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратиб, жиноят ҳуқуқида мазкур жиноят субъектив томонининг белгиларини тавсифлашга нисбатан ягона ёндашув йўқлигини, айрим олимларнинг қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш тўғри қасд билан ҳам, эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларни таҳлил қилган.

Юқорида баён этилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади, деб ҳисобловчи муаллифлар фикри асослироқ, деган хулосага келинган. Кўриб чиқиладиган қилмиш объектив томонининг зарурий белгиларига кирмайдиган оқибатлар уни юридик баҳолаш (квалификация қилиш) тўғрисидаги масалаларни ҳал қилишда ҳеч қандай роль ўйнамайдиган «формал» таркибли жиноят андозасига кўра тузилгани туфайли, ирода омили содир этиладиган ижтимоий хавfli қилмишга бўлган муносабат билан белгиланади.

Диссертантнинг фикрича, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш тўғри қасд билан содир этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини эҳтиётсизлик туфайли белгиланган тартибни бузган ҳолда кесиб ўтиш ўрганиладиган жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

Диссертацияда 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг субъекти бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилинган.

Иккинчи бобда «*Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилари*» таҳлил қилинган ҳамда ЖК 223-моддасини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилган.

Жумладан, ЖК 223-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳаракатларнинг бирортаси ҳам чегара назоратини амалга оширётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни қамраб олмайди.

Муаллиф юқоридаги ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 223-моддасида белгиланмаслиги, айнан шу усулда жиноят содир этилишининг кўпайишига олиб келиши сабабли бу каби ҳолатларни жазони оғирлаштирувчи белгилар сифатида қонунда қатъий белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган ва ЖК 223-моддаси 2-қисмини қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдириш таклиф этилган: «е) чегара назоратини амалга ошираётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса».

Тадқиқотчининг фикрича, ЖК 223-моддасида назарда тутилган жиноятни уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб содир этилишини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаб қўйилиши лозимлиги ЖК 223-моддаси 3-қисмига «б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб», деган банд киритилиши лозим.

ЖК 223-моддасида Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи чекланган шахсларнинг қилмишлари жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган, мазкур шахслар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи чекланган шахсларнинг ҳам қонунга хилоф равишда чегарадан ўтишининг ижтимоий хавфлилик даражаси бир хилдир. Қонунда эса, Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи чекланган шахсларнинг қилмишлари учун жавобгарлик белгиланган, аммо Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи чекланган шахсларнинг қилмишлари учун жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли ЖК 223-моддаси 2-қисми «д» бандини «д) чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилган бўлса» деган тахрирда баён этиш; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида ЖК 223-моддаси 2-қисми «д» бандини тўғри қўллаш юзасидан тушунтириш бериш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг кримнологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг жиноятчи шахси муаммолари, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлари, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг олдини олиш муаммолари ўрганилган ва қуйидаги хулосаларга келинган:

Жиноятчи шахси хусусиятларини икки турда кўриб чиқиш:

1) Давлат чегарасини кесиб ўтувчи жиноятчи шахси ва қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришни ташкил этган ва унга ёрдам берган жиноятчи шахсининг кримнологик хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади. Ушбу ёндашув жиноятчи шахсини янада чуқурроқ ўрганиш, шахсининг жинойий хатти-ҳаракатлари омилларини аниқлаб олиш ва олдини олиш усулларини янада такомиллаштириш имконини беради;

2) жиноятчи шахсининг ёши 25 дан 45 ёшгача бўлган, ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган, доимий иш жойига эга бўлмаган, оилали,

асосан, Ўзбекистон фуқароларидир. Ахлоқий хусусиятлар орасида ижобий: тиришқоклик, қатъиятлилик, қариндошларга ёрдам бериш истагининг мавжудлиги, манфий сифатлар – адвентизм, қонун устуворлигини бузиш, жавобгарликка тортилмаслик ҳисси, жиноятни тамагирлик нияти билан содир этган шахслар;

3) 2015 йилда – 126, 2016 йилда – 99, 2017 йилда – 41, 2018 йилда – 22, 2019 йилда – 6 нафар вояга етмаганлар ЖК 223-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятни содир этган. Бунда 60 ёшдан ошган шахсларнинг улуши 2015 йилда – 122, 2016 йилда – 53, 2017 йилда – 39, 2018 йилда – 30, 2019 йилда – 27 нафар шахсни ташкил этган. 2015-2019 йилларда 17 442 нафар шахс жавобгарликка тортилган, бўлиб вояга етмаганлар – 1,7 %, 60 ёшдан ошган шахслар – 1,6 фоизни ташкил этган.

2015-2019 йилларда ЖК 223-моддаси билан жавобгарликка тортилган шахсларнинг аксарияти (96,7 %) 18-60 ёшлар бўлиб, улар меҳнатга лаёқатли шахслар ҳисобланган.

4) Жиноятчиларнинг 2,3 % – рецидив жиноятчилар, 2,1 % – такрорий жиноят содир қилган, 45,7 % – вазиятга боғлиқ, 39,8 % – вазиятга боғлиқ бўлмаган, 10,1 % – тасодифий жиноятчилар турига хос жиноятчилар ташкил этган.

2015-2019 йилларда ЖК 223-моддаси билан жавобгарликка тортилганларнинг 31,3 % (5 450 нафар) аёллар, 68,7 % (11 992 нафар) эркеклар бўлган.

2015-2019 йилларда мобайнида ЖК 223-моддаси билан жавобгарликка тортилган шахсларнинг 7,4 % (1 286 нафар) чет давлат фуқаролари, 1,5 % (256 нафар) фуқаролиги бўлмаган шахслар, 91,1 % (15 900 нафар) Ўзбекистон фуқаролари ҳиссасига тўғри келиши, шунингдек жиноят содир этган шахслар орасида ўрта ва ўрта махсус маълумотли шахсларнинг даражаси юқори (73 %) эканлиги аниқланган.

Мазкур таҳлиллар асосида диссертант тадқиқ этилаётган жиноятни содир этган шахсларнинг асосий қисми – Ўзбекистон фуқаролари, ўрта ёшли, меҳнатга лаёқатли эркек жинсдагилар бўлган, жиноят содир этишининг асосий мотивлари – бу моддий манфаатлар, чет элга махсус моддий харажатларсиз бориш истаги, жавобгарликдан қочиш ҳисси, деган хулосага келган.

Шунингдек, учинчи бобда *«Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар»* таҳлил қилиниб қуйидаги хулосаларга келинган:

Диссертант ушбу жиноятларнинг сабабларини объектив ва субъектив турларга бўлиб ўрганган. Субъектив сабаблар, булар ички детерминантлар бўлиб, ушбу жиноят Ўзбекистоннинг ички миллий омиллари таъсири остида содир этилиши; объектив сабаблар эса мамлакатдаги фуқароларнинг ноқонуний миграцияси билан боғлиқдир.

Муаллиф бу соҳадаги жиноятчиликнинг ижтимоий-иқтисодий омилларига:

1) ишсизлик даражасининг юқорилиги, ойлик иш ҳақининг пастлиги,

аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги, ишга лаёқатли аҳоли сонининг юқорилиги ва бошқалар;

2) даромадларнинг пасайиши, нархларнинг кўтарилиши, иқтисодиётнинг импортга боғлиқлиги, иқтисодиётнинг «сояли тармоқлари»нинг ривожланиши, ишлаб чиқариш секторининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва рақобатбардош эмаслиги;

3) бу соҳадаги жинойтларга туртки берадиган Ўзбекистон аҳолиси ҳамда қўшни ва яқин худуддаги давлатлар аҳолиси ўртасида маълум бир бирлик, яъни Ўзбекистон аҳолиси ва чегарадош давлатлар аҳолиси ўртасида қариндошлик ва дўстлик ришталари мавжудлиги каби ижобий ижтимоий хусусиятдаги ички маданий ва ахлоқий ҳал қилувчи омиллар ҳам мавжудлигини киритган.

4) ташкилий ва бошқарув соҳасидаги омиллар орасида ижобий ва салбий бўлган ички омиллар устунлик қилади. Ижобий омиллар қаторига рухсат олиш тизимининг мураккаблиги, салбий омиллар қатор мамлакатлар билан визасиз режимнинг мавжудлиги, махсус хизматлар, солиқ ва миграция соҳасини назорат қилиш учун бошқа давлат тузилмалари ва ўзаро фаолиятни ташкил этишдаги камчиликлардир;

5) жинойтчиликнинг ҳуқуқий омилларига қонун чиқарувчи томонидан миграция жараёнларини ҳар томонлама тартибга солиш бўйича кўрилаётган чоралар киради.

Шунингдек, муаллиф ўрганилаётган жинойтларнинг сиёсий омилларини икки гуруҳга бўлиб ўрганган:

